

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бүйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бүйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бүйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бүйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бүйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бүйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «\_\_\_\_\_» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бүйича электр энергия сарфи бүйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бүйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталдаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.